



Қачон икки мусулмон бир-бирига қилич ўқталса, ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам жаҳаннамдадир

Абу Бакроҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қачон икки мусулмон бир-бирига қилич ўқталса, ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам жаҳаннамдадир»,- деганларида мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, мана бу-ку қотил, ўлдирилганнинг айби нима?»,- дедим. У зот: «Чунки у ҳам шеригини ўлдирмоқчи бўлган эди»,- дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда қачон икки мусулмон бир-бирини ўлдириш учун қилич кўтарсалар ва бири иккинчисини ўлдирса, иккаласи ҳам дўзахга киришини хабар бердилар. Қотилку маълум, аммо ўлдирилган дўзахга нима учун тушганини саҳобалар тушина олишмади, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у биродарини ўлдиришга ҳарис бўлгани учун дўзахда дея хабар бердилар. Чунки у ўзи ўлиб қолмаганда шеригини ўлдирган бўлар эди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4304>

